



## МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

**Сардор Раджабов,**

*мустақил тадқиқотчиси*

*Тошкент давлат иқтисодий университетини*

*Тошкент, Ўзбекистон*

## ANALYSIS OF THE THEORETICAL BASIS OF THE CONCEPT OF FINANCIAL STABILITY AND FACTORS AFFECTING IT

**Sardar Radjabov,**

*Researcher, Tashkent State University of Economics*

*Tashkent, Uzbekistan*

### **JEL Classification: M1, M49**

**Аннотация.** Ушбу мақолада молиявий барқарорлик тушунчасининг назарий асослари, шу соҳа бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг мазмун ва моҳияти, уларга таъсир қилувчи омилларнинг таҳлили кўриб чиқилган. Мақоланинг мақсади - молиявий барқарорликка эришган корхона ва ташкилотларнинг бозордаги рақобатчиларига нисбатан устунлигини таъминловчи омиллар таҳлили кўриб чиқилади. Бундан ташқари молиявий барқарорлик коэффицентларини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг интеграл матрица функциясини ўзгариши таҳлил қилинади.

**Abstract.** This article examines the theoretical foundations of the concept of financial stability, the content and nature of research conducted in this area, and the analysis of factors affecting them. The purpose of the article is to analyze the factors that ensure the advantage of enterprises and organizations that have achieved financial stability over their competitors in the market. In addition, the change of the integral matrix function of the factors influencing the change of the coefficients of financial stability is analyzed.

**Калит сўзлар:** молиявий

барқарорлик, омиллар, бозор, иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари, коэффицент, интеграл матрица функцияси

**Key words:** financial stability, factors, market, indicators of economic stability, coefficient, integral matrix function

**Кириш.** Дунёдаги геосиёсий вазият ва глобал инфляция туфайли вужудга келган ноаниқликларга қарамай, ХВЖ 2022 ва 2023 йилларда паст даромадли ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш мос равишда 4,8 ва 4,9 фоиз бўлишини прогноз қилмоқда [19]. Бугунги кунда республикамизда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларни иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масалалари долзарб вазифалардан ҳисобланади. Айниқса пандемия шароитида корхона ва ташкилотлар фаолиятини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масалалари жуда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу эса ҳар бир корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқаётган стратегиясини тубдан қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг турларини кўпайтириш, сифатини ошириш, мижозлар талабидан келиб чиқиб

маҳсулотларни етказиб бериш логистикасини ўзгартириш масалаларини киритиш заруратини келтириб чиқаради. Янги Ўзбекистонни ривожлантиришни 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида "...мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш" масалалари киритилган [1].

Белгиланган вазифада асосий эътибор корхона ва ташкилотларни экспорт салоҳиятини ошириш учун асосий эътиборни чиқараётган маҳсулотларини жаҳон бозоридаги рақобатчилари билан кураша олишини таъминлаши зарур бўлади. Бунда асосий эътибор бозордаги маҳсулотларга бўлган талаб маркетингини тўғри ташкил этиш зарур ҳисобланади. Корхона ва ташкилотларни иқтисодий барқарорлигини таъминловчи энг муҳим йўналиш бу чиқараётган маҳсулотларини экспорт қилиш орқали эришиш мумкин. Бунинг учун корхона ва ташкилотлар томонидан чиқараётган маҳсулотларини сифатига, унинг бозорбоплигига, етказиб бериш логистикасини қулайлигига ҳамда рақоботчиларига нисбатан устунлиги таъминланганлигига эътибор қаратишни талаб этади.

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи иқтисодий омиллар жуда кўп бўлиб, уларни энг муҳим йўналишларини танлаб олиш бу бошқарув тизимини профессионал даражада бўлишликни талаб қилади. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва уларга таъсир қилувчи омилларни таъсир даражасини ўрганиш масалалари бўйича хорижда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, уларнинг энг муҳимларини назарий асосларини кўриб чиқамиз.

**Материал ва метод.** Молиявий барқарорлик тушунчаси миқдорий кўрсаткичларни (тўлов қобилияти миқдорий усуллар билан баҳоланади) ва сифат кўрсаткичларини (рақобатбардошлик) ўз ичига олади. Рақобатбардошликнинг сифат кўрсаткичларини миқдорий кўрсаткичларга айлантиришнинг турли усуллари мавжуд бўлса-да, бу усулларнинг барчаси субъективлик элементларига эга ва уларни иқтисодиётда тўлиқ қўллаш мумкин эмас. Шундай қилиб, ташқи иқтисодий мактабда молиявий барқарорлик атамасига иқтисодий таҳлил эмас, балки бошқарув нуқтаи назаридан ёндашилган [7].

Агар корхона маҳсулотларига талаб ортиб, олинган фойда ишлаб чиқариш ва инновацияларга қайта инвестиция қилинса, у ҳолда компаниянинг молиявий барқарорлиги ошади. Худди шу ҳолатда, агар маҳсулотга бўлган талаб ошса ва компания ташқи қарзлар миқдорини кўпайтирса, молиявий барқарорлик пасаяди, чунки компаниянинг ташқи молиялаштириш манбаларига боғлиқлиги ортади[6].

Молиявий стратегия даражасида компаниянинг молиявий барқарорлигини бошқаришнинг бир неча ёндашувлари мавжуд:

1. Умумий молиявий стратегияда молиявий барқарорликни бошқариш.
2. Замонавий шароитда корxonанинг молиявий ресурсларини бошқариш стратегияси вазифасини бажарадиган молиявий барқарорликни бошқаришнинг оператив стратегияси.
3. Ҳар бир лойиҳа учун махсус молиявий стратегия ишлаб чиқилганда холдинг тузилмаларида ва лойиҳа топшириқларини амалга оширишда кўпинча қўлланиладиган индивидуал вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ

молиявий барқарорликнинг ситуацион модели[16].

Умуман олганда, “молиявий барқарорлик” тушунчаси давлатнинг маълум вақт давомида барқарорлиги, ўзгармаслиги, узоқ муддатли сақланишини билдиради. Шунинг учун молиявий барқарорлик – бу иқтисодий тизимнинг барча элементларининг маълум бир даврдаги барқарор ҳолати ёки мувозанат ҳолатидир[8].

Молиявий барқарорлик – бу молиявий тизимнинг, яъни молия муассасалари, бозорлар ва бозор инфратузилмаларининг эҳтимолий шоклар ва номутаносибликларга бардош бера олиши, шу билан бирга молиявий воситачилик функцияларини бажара олмаслик эҳтимолини пасайтириш қобилиятидир. Молиявий барқарорлик мақсади алоҳида молия муассасаси эмас, балки бутун молия тизими барқарорлигини таъминлашдан иборат. Молиявий барқарорлик иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш асоси ҳисобланади[15].

Бир қанча муаллиф-олимлар “молиявий барқарорлик”ни “ишончлилик” ва “барқарорлик” тоифалари ва аксинча тоифаларга ажратадилар. Улар барқарорликнинг асосий характеристикалари маълум бир ҳодисанинг намоён бўлиш частотаси, барқарорлик - мувозанат, ишончлилик - хатосиз эканлигини кўрсатади. Мураккаб ишончлилик, барқарорлик ва молиявий барқарорлик, олимларнинг фикрига кўра, маълум бир объектнинг ишлаши самарадорлигини таъминлашга қодир бўлган ўзаро боғлиқ категориялардир[18].

Молиявий барқарорлик -иқтисодий барқарорлик шароитида давлатни субъектнинг энг муҳим таркибий элементлари: ишлаб чиқариш фаолияти, меҳнатни ташкил этиш, пул оқими,

моддий-техника базаси, ресурслар билан таъминлаш, кадрлар ва интеллектуал салоҳиятнинг хусусиятларининг комбинацияси билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблайди[12]. Олимнинг фикрича мамлакат молиявий барқарорликни таъминлашда унинг иқтисодий пойдевори мустаҳкам бўлиши зарур деб баҳолайди.

Бошқа бир олимларнинг қарашларича молиявий барқарорлик бу корхонанинг иқтисодий, молиявий ва ижтимоий ресурсларининг мувозанатли ҳолати, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тизимидаги ўзаро боғлиқлиги, уни такрор ишлаб чиқариш учун барқарор шароитларни, шу жумладан ички ва ташқи салбий таъсирларнинг мавжудлигини таъминлайди. Тегишли ҳаракатлар алгоритми билан турли хил молиявий-иқтисодий ва ташкилий тадбирларнинг ихтисослаштирилган комплексини амалга ошириш орқали эришилади деб таъкидлаб ўтадилар[13].

Молиявий фаолиятнинг барқарорлигини, даромадларнинг ҳаражатлардан доимий ошиб кетишини, пулнинг эркин муомаласини, молиявий ресурсларни самарали бошқаришни, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгилашни таъминловчи корхона ҳолати деб баҳолаган[10].

Корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш унинг молиявий мустақиллиги билан белгиланади. Бу корхонанинг умумий молиявий тузилмаси, унинг кредиторлар ва инвесторларга боғлиқлик даражаси билан боғлиқ[11].

Корхона тизимининг яхлитлигига эришиш ва уни сақлаб қолиш учун корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича комплекс стратегияни қўллаш керак, бу мумкин бўлган

иқтисодий ўзгаришларга мослашади ва корхонанинг узлуксизлигини таъминлайди. Унинг асосий мезонлари ресурс чекловларини аниқ тушуниш, масъул шахсларнинг мавжудлиги, матннинг равшанлиги ва фойдаланиш имконияти, бозор муҳитидаги ўзгаришларга жавоб бериш мослашувчанлиги, мақсадларнинг тизимлилиги ва яқинлашиши ҳисобланади. Назарий жиҳатдан, корхонанинг молиявий барқарорлигига эришишнинг доимий тамойиллари мавжуд эмас. Хома И.Б. корхонанинг молиявий барқарорлиги тамойилларига ишора қилади: харажатларни оқилона бошқариш (харажатларни минималлаштириш ва молиявий натижаларни максимал даражада ошириш орқали); рентабеллик (фойда ва рентабелликни максимал даражада ошириш орқали); молиявий барқарорлик (мутлақ барқарорликка эришиш орқали); мувозанатли молиялаштириш (инвестициялар самарадорлигини мониторинг қилиш ва ички ёки ташқи молиялаштиришдан фойдаланиш); ишлаб чиқариш тузилмасини оптималлаштириш (таъминот ва сотиш омилларини бошқариш орқали; хом ашё ва бозорларни жойлаштиришни оптималлаштириш); товар сиёсати (маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигининг тегишли даражасига, мақбул нарх сиёсатига риоя қилиш орқали); инвентаризацияни оқилона бошқариш ва самарали молиявий режалаштириш[9].

Корхонанинг молиявий барқарорлиги молиявий барқарорлик, рентабеллик, тўлов қобилияти, кредитга лаёқатлилиқ, ликвидлик ва тадбиркорлик фаолиятидир. Улар компаниянинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича зарур бошқарув қарорларини қабул қилишда таҳлил қилиш ва баҳолаш учун

асос бўлиб хизмат қилади. Блан И. А. молиявий барқарорликнинг асосий таркибий қисмларига қуйидагиларни киритади: корхонанинг молиявий баланси; корхонанинг ресурс барқарорлиги; корхонанинг потенциал барқарорлиги; корхонанинг молиявий барқарорлиги[17].

Корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлашга ёндашув қуйидаги кўрсаткичларни бирлаштириш принципига асосланади:

1) барқарор иқтисодий ўсиш коэффиценти, бу корхонанинг молиявий мувозанатини таъминлайдиган фаолиятнинг мумкин бўлган ўсиш суръатларини акс эттиради;

2) корхонанинг молиявий барқарорлигининг умумлаштирилган кўрсаткичи :

3) корхона томонидан яратилган ўз молиявий ресурсларининг мумкин бўлган ҳажми ва ўз молиявий ресурсларини истеъмол қилишнинг зарур миқдори нисбати сифатида аниқланган молиявий мувозанат коэффиценти.

Молиявий барқарорлик бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг молиявий-хўжалиқ фаолиятининг энг муҳим белгисидир. Агар корхона молиявий барқарор бўлса, у бир хил профилдаги ва инвестицияларни жалб қилиш, кредитлар олиш, етказиб берувчиларни танлаш ва малакали кадрларни танлашда бошқа корхоналарга нисбатан устунликка эга бўлади деб ҳисоблайдилар[14]. Олиб борилган тадқиқотда корхонанинг молиявий барқарорлиги бир неча омилларга боғлиқ бўлишини келтириб ўтадилар. Жумладан, иқтисодий муҳитнинг барқарорлиги, корхонанинг фаолияти ҳамда бизнесни бошқариш самарадорлигига. Корхона молиявий барқарорликни таҳлил қилишнинг асосий мақсади корхонанинг молиявий фаолиятидаги муаммо ва


камчиликларни тезкор аниқлаш, шунингдек, корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда унинг тўлов қобилиятини ошириш учун турли захираларни излашдир. Демак, юқоридаги билдирилган фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, корхона молиявий барқарорликда эришишда биринчи навбатда иқтисодий муҳит яхши бўлишини таъминлаш зарур бўлади. Бу эса корхона фаолияти ва бизнес бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилиб, уларнинг ўзаро муносабатларини тўғри ташкил этиш корхона молиявий барқарорлигини ривожлантиришга олиб келади.

Рақобат шароитида корхона ва ташкилотлар молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда иқтисодчи олим, профессор Э.А.Акрамов молиявий барқарорлик тушунчаси ва унинг иқтисодий моҳиятини белгилаб берувчи кўрсаткичларни тавсия этган ҳамда унга таъсир этувчи иқтисодий омилларни аниқ мезонлар асосида асослаб берган[2]. Шунингдек, олимнинг фикрича молиявий барқарорлик тоифаси корхона ва ташкилотларнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини зарурий аниқ бир даражада бўлиши ҳамда камаймаслигини ифодаловчи кўрсаткичлар билан аниқлаш зарурлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича молиявий барқарорлик аниқ бир иқтисодий мезонлар асосида баҳолаш ва унинг ўзгаришига қараб турли чоралар кўриш зарурлигини илгари суради.

Республикаамиз иқтисодчи олимларидан профессор Т.С. Маликовнинг фикрига кўра корхона ва ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини иккита умумий

(автономия коэффиценти, қарз капиталининг концентрациялашув коэффиценти, қарз ва ўз маблағларининг нисбати коэффиценти) ва нисбий кўрсаткичлар (захира ва харажатларнинг ўз капитали билан таъминланганлик коэффиценти, молиявий мустақиллик коэффиценти, ўз капиталининг манёврлилик коэффиценти) орқали ифодалайди. Олимнинг фикрича умумий кўрсаткичлар ижобий ҳолатга эга бўлиши (нисбий кўрсаткичларга нисбатан) молиявий барқарорликни юқори бўлишини таъминлашга хизмат қилади деб кўрсатиб беради[3]. Аммо масаланинг иккинчи томони, ушбу кўрсаткичлар ижобий ҳолатда бўлгандагина яъни белгиланган мезон доирасида бўлсагина молиявий барқарорлик ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектларда самарали бўлади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, таклиф этилаётган молиявий барқарорликни тавсифловчи кўрсаткичларнинг турлича ёндашувлар асосида баҳолаши, уларни умумий мезонлар асосида ҳисоблаб чиқишнинг турли коэффицентларга эга эканлиги, бугунги кунгача корхона ва ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини аниқ мезонлар асосида аниқ бир услубияти ишлаб чиқилмаганлиги турлича қарашларнинг юзага келишига олиб келмоқда.

Айрим олимлар фикрича, молиявий бақарорликни корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ва барча маблағларнинг нисбати сифатида ифодалаб, молиявий барқарорлик кўрсаткичларини 5 та гуруҳларга ажратиш зарур деб ҳисоблайдилар[4].



**1-расм. Корхона ва ташкилотларни молиявий барқарорлик кўрсаткичларини гуруҳларга ажратилиши<sup>1</sup>**

Муаллифлар томонидан таклиф этилган гуруҳлар асосида корхона ва ташкилотлардаги молиявий барқарорликни ҳисоблаш маълум маънода аниқ хулосаларни шакллантириш имконини беради деб ҳисоблаш мумкин. Берилган гуруҳлардаги барча кўрсаткичлар ички ва ташқи омилларни тўлиқ қамраб олган. Аммо шу билан бирга ушбу кўрсаткичлар ҳам тўлиқ корхона ва ташкилотларни молиявий барқарорлигини баҳолаш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Бошқа муаллифлар молиявий барқарорлик коэффицентларини турлича иқтисодий кўрсаткичлар асосида таснифлаш зарурлигини белгилаб берганлар Жумладан, барқарор ўсиш коэффицентини ва ликвидлилик, молиявий мустақиллик, ўз айланма

маблағлари билан таъминланганлик, айланувчанлик ва рентабеллик кўрсаткичларини ўз ичига оловчи унинг омилларга асосланган моделини кўриб чиқиш мумкин. Юқорида келтириб ўтилган назарий қарашлар, корхона ва ташкилотларда молиявий барқарорлик тушунчаси, унга таъсир қилувчи омиллар кетма-кетлиги, уларнинг ҳисоблаш коэффицентлари ҳамда баҳолаш мезонлари тўғрисида келтирилганлиги таҳлил қилиб чиқдик.

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини назарий-услубий жиҳатдан ўрганишда, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқ белгилаб олиш орқали коэффицентларни белгиланган мезон ичида бўлишини таъминлаш. Корхонада муваффақиятга эришишнинг муҳим шарти нафақат

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

молиявий барқарорликни таҳлил қилиш, балки ўзининг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш қобилияти ҳам ҳисобланади.

Бизнеснинг молиявий барқарорлиги корхона ҳаётининг ҳар бир даврида бошқарувнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, унинг мақсади ташқи контрагентлардан мустақилликни ва активларни уларни молиялаштириш манбалари билан қоплашнинг оқилоналигини таъминлашдир. Молиявий барқарорлик бозор шароитида корхонанинг омон қолиш ва асосий барқарорлигининг калитидир. Агар корхона молиявий барқарор ва тўловга лаёқатли бўлса, у бир хил профилга эга бўлган бошқа корхоналарга нисбатан кредит олиш, инвестицияларни жалб қилиш, етказиб берувчилар ва малакали кадрларни танлаш каби кўплаб афзалликларга эга бўлади. Корхонанинг барқарорлиги қанчалик юқори бўлса, бозор конъюнктурасининг қутилмаган ўзгаришларидан мустақиллик даражаси шунчалик юқори бўлади ва шунинг учун улар инқирозга учраш хавфини камайтиради.

**Натижалар.** Корхона ва ташкилотларнинг барқарорлиги ва молиявий барқарорлигига кўплаб турли хусусиятга эга бўлган омиллар таъсир қилади. Корхона ва ташкилотларда натижаларини шакллантириш жараёнларига уларнинг таъсирини расмийлаштириш ушбу омилларнинг турли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таснифлашга асосланиши зарур бўлади. Умумий ҳолатда уларга таъсир қилувчи омиллар таснифлаш тизими икки қисмга ташқи ва ичкига бўлинади.

Таъсир қилиши мумкин бўладиган ички омиллар таснифига қуйидагиларни

киритиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- корхона ва ташкилотларни маҳсулот ва хизматларнинг таркиби ҳамда тузилишини танлаш (бунда, нима ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш, яъни қандай янги технологияларни қўллаш ва сотишни қандай ташкил этиш ва бошқариш модели киради). Ушбу киритилган катталиклар ишлаб чиқариш харажатларига таъсир қилади;

- ишлаб чиқариш фаолиятни диверсификация қилиш. У қуйидагиларга имкон беради: корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, истеъмолчи талабини яхшироқ кондириш, иқтисодиётни самарадорлигини ошириш; ишлаб чиқаришда умумий меҳнат унумдорлигини ошириш; ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни яхшилаш ва энг оптимал ҳолатга келтириш, ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб уларнинг концентрациясини ошириб бориш; турли тармоқларга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш ва инвестицияларнинг юқори даражадаги рискларини камайтириш; корхона ва ташкилотларнинг молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, ишлаб чиқаришда банкротликнинг олдини олиш, корхона рентабеллигини ошириш, сотиш ҳажмининг ўсишини таъминлаш, янги инновацион ғоялар асосида маҳсулотларни жорий этиш ҳисобига бозор субъектларининг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, рақали маркетинг ва бошқарув механизмини қўллаш;

- айланма маблағларни замонавий технологиялар асосида бошқаришни йўлга қўйиш. Айланма маблағларни рақамли бошқариш механизми орқали тўғри бошқариш корхонанинг бухгалтерия ҳисобини фақат жорий операциялар учун зарур бўлган минимал ликвидлик миқдори билан юритишдан



иборат;

- молиявий ресурсларнинг таркиби ва тузилиши, стратегия ва қанчалик кўп бўлса, даромад шунчалик кўп бўлса, у ўзини рақобат бозорида шунчалик хотиржам ҳис қилади.

-корхона ва ташкилотлар томонидан қимматли қоғозлар ҳамда кредит бозорида қўшимча равишда жалб қилинадиган маблағлари. Корхона ва ташкилотлар томонидан қанча кўп пул тўплаши мумкин бўлса, унинг молиявий имкониятлари шунчалик юқори бўлади.

Молиявий барқарорликка таъсир қилувчи ташқи омиллари қуйидагилардан иборат: асосан иқтисодий (наҳрларнинг кўтарилиши, инфляциянинг ошиб бориши, бозорда талаб ва таклиф қонунини бузилиши, ишлаб чиқаришнинг умумий пасайиши, тўлов инқирози ва бошқалар), сиёсий (жамиятнинг сиёсий беқарорлиги, турли даражадаги ташқи таъсирлар, пандемия шароити, тижорат ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликнинг етарли эмаслиги, шу жумладан солиққа тортиш, экспорт шартлари ва бошқалар. импорт), шунингдек, фан ва технологияларнинг ривожланиш даражаси (технологияларнинг эскириши, юқори технологияли ишлаб чиқаришга инвестициялар этишмаслиги, конвертация, қоникарсиз тараккиёт). Молиявий барқарорликни таъминлашда

бошқарув тактикасини тўғри танлаш. Корхона ва ташкилотларнинг ўз молиявий ресурслари

асосий эътибор уларнинг молиявий коэффициентлари натижасига боғлиқ бўлади. Молиявий барқарорлик коэффициентларини таҳлил қилиш ташкилотнинг молиявий барқарорлиги даражасини тартибга солиш, активлар ва мажбуриятлар таркибини ҳажми ва долзарблиги бўйича такомиллаштириш чораларини кўриш имконини беради. Бухгалтерияда активлар ва пасивлар баланси ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилишнинг универсаллигига қарамай, молиявий ҳисоботларни битта таҳлил қилиш ташкилотнинг барқарорлик даражасини тавсифлаш учун етарли бўлмаган ҳолатлар мавжуд. Жумладан, инқироз, молиявий инқироз, инфляция, беқарорлик шароитида ишлаб чиқариш, иқтисодий, молиявий ва тижорат фаолиятининг барча жабҳаларини чуқурроқ таҳлил қилиш керак бўлади. Ташкилот ташқи муҳитдаги кескин ўзгаришлар шароитида барқарор бўлиши керак.

Корхона ва ташкилотларда молиявий барқарорлигини таъминлашни турлича формулалари мавжуд, бунда асосий эътибор уларнинг ўз капитали билан боғлиқ ҳисобланади.

$$MB_{shartlari} = S_{o'zkapitali} \geq Q_{kapital} \geq N_{nomoliyaviy aktivlar} \sim M_{moliyaviy aktivlar} \geq N_{nomoliyaviy aktivlar} \sim AA_{aylanma aktivlar} \geq AM_{aylanma mablag'lar} \sim MAK_{moliyaviy aylanma aktivlar} > 0 \quad (1)$$

Бунда, ўз капитали қарз капиталидан катта ёки тенг бўлиши керак; ўз капитали номолиявий активлардан катта ёки тенг бўлса; молиявий активлар номолиявий активлардан катта ёки тенг бўлса; айланма активларнинг ўсиши

айланма маблағларнинг ўсишидан кўп бўлса; молиявий айланма активларнинг ўсиши ноқарордан юқори бўлса.

Молиявий барқарорликни қуйидаги йўллар билан яхшилаш мумкин:





## 2-расм. Корхона ва ташкилотларда молиявий барқарорликни яхшилаш кўрсаткичлари<sup>2</sup>

Шунинг учун ички таҳлилда товар-моддий захиралар ва харажатларнинг ўзгариши, айланма маблағларнинг айланиши, ўз айланима маблағлари миқдорининг ўзгариши сабабларини чуқур ўрганиш амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Бундан ташқари бизнинг фикримизча корхона ва ташкилотларда молиявий барқарорлик тўғри йўлга қўйилган бўлса:

-иқтисодий механизм тўғри ишлайди;

-ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш тўғри тақсимланган бўлади;

- барча рискларни олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

-янги инновацион

технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаш ва жалб этиш бўйича дастур қабул қилинган;

-корхона ва ташкилотларнинг беш йиллик ривожланиш кўрсаткичлари аниқ параметрлар асосида тўзиб чиқилган;


-ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлиги ишончли этиб белгиланган;

-корхона ва ташкилотлар маҳсулот турларини ошириш ва уни бозорга олиб кириш бўйича аниқ механизм яратилган;

-корпоратив бошқарув тизимини янги ғоялар асосида такомиллаштирилган.

Молиявий барқарорликни издан чиқаришга олиб келувчи омиллар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш зарур:

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси.



3-расм. Молиявий барқарорликка таъсир қилувчи омиллар таснифи<sup>3</sup>

**Мунозара.** Биз таклиф қилаётган омилларнинг ҳар бири бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг биттасидаги ўзгариш молиявий барқарорлик коэффициентини пасайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун корхона ва ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини ҳисоблашда уларга таъсир қилувчи барча омилларга эътибор қаратиш зарур бўлади.

Молиявий барқарорликка таъсир қилувчи омилларни ўзгаришини молиявий барқарорлик коэффициенти кўрсаткичлари билан боғлиқлик даражаси матричасини кўриб чиқамиз.

Геосиёсий вазиятнинг ёмонлашиши иқтисодий ўсишнинг секинлашишига, инфляциянинг ошишига, пул ўтказмалари ва инвесторлар ишончининг камайишига олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ялпи талабга таъсир этиб, корхоналар ва аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайтиради. Натижада, банкларнинг кредит портфели ёмонлашиши ва қарз олувчиларнинг кредитларга хизмат кўрсатиш қобилиятининг пасайиши оқибатида муаммоли кредитлар кўпайиши мумкин. Бунда, биз таклиф этган омилларни

биринчиси сиёсий вазиятни молиявий барқарорликка таъсир матричаси қуйидагича бўлади:

$$SV_{siyosiy\ vaziyat} = \{SV_x; 0; 0; \dots 0\} \quad (1)$$

$$K_{SV} = \{SV_x; 0; 0; \dots 0\} = x_1 SV + x_2 K_1 + \dots + x_n K_j \rightarrow \bar{n}, \bar{j} = \{0; 1\} \quad (2)$$

Олинган маълумотларга асосан сиёсий вазиятни ўзгаришини қуйидагича ёзиб оламиз:

$$\frac{\Delta K_{SV}}{\Delta MB} \rightarrow \{0; 1\} \quad (3)$$

Бу ерда,  $\Delta K_{SV}$  – сиёсий вазият коэффициенти;  $\Delta MB$  – молиявий барқарорлик детерминация коэффициенти.

Демак, молиявий барқарорлик маълум бир коэффициентга эга бўлиши, унинг 1 га тенг бўлишига ёки аксинча 0 га тенг бўлиши молиявий барқарорлик коэффициенти пасайишига олиб келади.

Сиёсий вазиятни ўзгариши орқали молиявий барқарорликни таъминлаш интеграл функцияси қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$K'_{SV} = \frac{\Delta K_{SV}}{\Delta MB} = \int_0^1 \frac{dK_{SV}}{dMB} dk \rightarrow \{0; 1\} \quad (4)$$

Ушбу интеграл функция бўйича

<sup>3</sup> Муаллиф ишланмаси.



молиявий барқарорликка таъсир қилувчи сиёсий вазият иккита ҳолатда кузатилади. Биринчидан,  $K'_{SV} \rightarrow K_{SV} = 1$  бўлганда, сиёсий вазият яхши бўлиб, молиявий барқарорликка таъсири кам бўлди. Иккинчидан,  $K'_{SV} \rightarrow K_{SV} = 0$  бўлса,

$$K_I = \{SV_x; I; 0; \dots 0\} = x_1 SV + x_2 I_1 + \dots + x_n K_j \rightarrow \bar{n}, \bar{j} = \{0; 1\} \quad (5)$$

Демак, ушбу ҳолатда ҳам иқтисодий ўзгариш тўғридан-тўғри сиёсий вазият билан боғлиқ бўлиб, унинг ўзгариши иқтисодий ўзгаришларга таъсир кўрсатади.

Олинган маълумотларга асосан иқтисодий ўзгаришларни сиёсий вазиятни ўзгаришини ҳисобга олган қуйидагича ёзиб оламиз:

$$\frac{\Delta K_{SV} + \Delta K_I}{\Delta MB} \rightarrow \{1; 1; 0\} \quad (6)$$

Демак, иқтисодий ўзгаришлар

$$K'_{SV} = \frac{\Delta K_I}{\Delta MB} + \frac{\Delta K_{SV}}{\Delta MB} = \int_0^1 \left( \frac{dK_I}{dMB} + \frac{dK_{SV}}{dMB} \right) dk \rightarrow \{1; 1; 0\} \quad (7)$$

Демак, молиявий барқарорликни маълум бир коэффициентга эга бўлиши унинг сиёсий вазият ва иқтисодий вазиятлар билан коэффициентлари 0 ва 1

$$K_{MB} = \{K_{SV}; K_I; K_{Ij}; K_{KS}; K_{BS}; K_R; K_T; K_{Tp}; K_{Sp}; K_{Yaq}; K_{MT}; K_{Rk}; K_{SR}; K_{Pn}; K_{Mf}; \} \quad (8)$$

Бу ерда,  $K_{SV}$  – сиёсий вазият,  $K_I$  – иқтисодий ўзгариш,  $K_{Ij}$  – ижтимоий ўзгариш,  $K_{KS}$  – кадрлар сиёсати,  $K_{BS}$  – бошқарув концепцияси,  $K_R$  – рискларни юзага келиши,  $K_T$  – технологиянинг ўзгариши,  $K_{Tp}$  – маҳсулотга талабни пасайиши,  $K_{Sp}$  – маҳсулот сифатини пасайиши,  $K_{Yaq}$  – янги инновацион фояларни қўлламаслик,  $K_{MT}$  – маҳсулот

$$K'_{MB} = \frac{\Delta K_I}{\Delta MB} + \frac{\Delta K_{SV}}{\Delta MB} + \dots + \frac{\Delta K_{Mf}}{\Delta MB} = \int_0^1 \left( \frac{dK_I}{dMB} + \frac{dK_{SV}}{dMB} + \dots + \frac{dK_{Mf}}{dMB} \right) dk \rightarrow \{1; 1; \dots; 1\} \quad (9)$$

$K'_{MB} \rightarrow \{0; 0; \dots; 0\}$  иккита ҳолат юзага келади.

сиёсий вазият молиявий барқарорликка тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Биз таклиф этаётган иккинчи омил бу бевосита иқтисодий ўзгариш бўлиб, уни ҳисоблаш матрицаси қуйидагича кўринишда бўлади:

жараёнида молиявий барқарорлик маълум бир коэффициентга эга бўлиши, унинг 1 га тенг бўлишига ёки аксинча 0 га тенг бўлиши молиявий барқарорлик коэффициентини пасайишига олиб келади.

Иқтисодий ўзгаришларни сиёсий вазиятни ўзгариши орқали молиявий барқарорликни таъминлаш интеграл функцияси қуйидагича кўринишга эга бўлади:

га тенг бўлишини таъминлайди.


Умумий ҳолатда молиявий барқарорлик таъсир қилувчи омилларнинг матрицаси қуйидагича:

турларини кўпайтирмалик,  $K_{Rk}$  – рақобатнинг кучайиши,  $K_{SR}$  – стратегик режаларни йўқлиги,  $K_{Pn}$  – прогноз нотўғрилиги,  $K_{Mf}$  – маҳсулот яшаш циклини ўзгариши.

Молиявий барқарорликка таъсир қилувчи омилларни интеграл функцияси қуйидагича кўринишга эга бўлади:

Демак, биз таклиф этаётган корхона ва ташкилотларнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар матрица функциясига

эйтибор қаратсак битта омилнинг ўзгариши улар функциясини ўзгаришига олиб келади.



4-расм. Молиявий барқарорликка таъсир қилувчи омиллар матрица функцияси<sup>4</sup>

Бизга маълумки молиявий барқарорликни муҳим элементларидан бири бу рентабеллик ҳисобланади. Ушбу элементга таъсир қилувчи омилларни олтиомилли таъсир функциясини тузиб олишда турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Н.С. Плоскова томонидан таклиф этилган функцияни умумий кўриниши куйидагича[5]:

$$f = \frac{x_1 * x_2 * x_4 * x_5 * x_6}{x_3} \quad (10)$$

Бу ерда,  $x_1$  – молиявий дастак коэффициенти,  $x_2$  – молиявий автоном

коэффициенти,  $x_3$  – молиявий боғлиқлик коэффициенти,  $x_4$  – умумий активларда айланма маблағлар улуши,  $x_5$  – айланма активларнинг айланиш коэффициенти,  $x_6$  – сотиш рентабеллиги коэффициенти.

Молиявий барқарорликнинг энг муҳим элементи рентабелликка таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш занжирли усулда ҳисоблаб топилади. Бунда, маълумотлар ҳисобот даври ва олдинги даврларни инобатга олган ҳолда аниқланади.

Жумладан,

$$\Delta f_{x_1} = \frac{x_{1hd} * x_{2od} * x_{4od} * x_{5od} * x_{6od}}{x_{3od}} - \frac{x_{1od} * x_{2od} * x_{4od} * x_{5od} * x_{6od}}{x_{3od}};$$

$$\Delta f_{x_2} = \frac{x_{1hd} * x_{2hd} * x_{4od} * x_{5od} * x_{6od}}{x_{3od}} - \frac{x_{1hd} * x_{2od} * x_{4od} * x_{5od} * x_{6od}}{x_{3od}};$$

<sup>4</sup> Муаллиф ишланмаси.

$$\Delta f_{x_3} = \frac{x_{1hd} * x_{2hd} * x_{4od} * x_{5od} * x_{6od}}{x_{3hd}} - \frac{x_{1hd} * x_{2hd} * x_{4od} * x_{5od} * x_{6od}}{x_{3hd}};$$

$$\Delta f_{x_4} = \frac{x_{1hd} * x_{2hd} * x_{4hd} * x_{5od} * x_{6od}}{x_{3hd}} - \frac{x_{1hd} * x_{2hd} * x_{4od} * x_{5od} * x_{6od}}{x_{3hd}};$$

$$\Delta f_{x_5} = \frac{x_{1hd} * x_{2hd} * x_{4hd} * x_{5hd} * x_{6od}}{x_{3hd}} - \frac{x_{1hd} * x_{2hd} * x_{4hd} * x_{5od} * x_{6od}}{x_{3hd}};$$

$$\Delta f_{x_6} = \frac{x_{1hd} * x_{2hd} * x_{4hd} * x_{5hd} * x_{6hd}}{x_{3hd}} - \frac{x_{1hd} * x_{2hd} * x_{4hd} * x_{5hd} * x_{6od}}{x_{3hd}}; \quad (11)$$

Коэффициентларни текшириш учун қуйидаги тенглик ўринли бўлиши керак (12-формула). Худди шундай молиявий барқарорликнинг муҳим

элементларини коэффициентларини ҳисоблашда турлича усуллардан фойдаланилади.

$$\Delta f = \Delta f_{x_1} + \Delta f_{x_2} + \Delta f_{x_3} + \Delta f_{x_4} + \Delta f_{x_5} + \Delta f_{x_6} \quad (12)$$

**Хулоса.** Таҳлиллардан келиб чиқиб, корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

-корхона ташкилотларнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи барча омилларни умумий ҳолатини тўғри баҳолаш;

-молиявий барқарорликни таъминлашда асосий эътибор уларнинг молиявий коэффициентлари натижасига боғлиқ бўлади. Молиявий барқарорлик коэффициентларини таҳлил қилиш ташкилотнинг молиявий барқарорлиги даражасини тартибга солиш, активлар ва мажбуриятлар таркибини ҳажми ва долзарблиги бўйича такомиллаштириш

чораларини кўриш зарур;

- корхона ва ташкилотларнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар матрица функцияси асосида битта омилнинг ўзгариши улар функциясини ўзгаришига олиб келиши молиявий барқарорликка тўғридан-тўғри таъсир қилишини доимий равишда ҳисобга олиш зарур;

-иқтисодий ўзгаришлар жараёнида молиявий барқарорлик маълум бир коэффициентга эга бўлиши, унинг 1 га тенг бўлишига ёки аксинча 0 га тенг бўлиши молиявий барқарорлик коэффициентини пасайишига олиб келади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази, -Т.:2022 й. -152 б.
2. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. - Т.: Молия, 2003. –Б. 64-85.
3. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Фқув қўлланма / и.ф.д., проф. А.В. Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. –Б. 254-257.



4. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил: (Услугий кўргазмалар ва тавсиялар альбоми). - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. – Б. 197.
5. Пласкова Н.С. Экономический анализ: учебник.-2-е изд.,перераб.-М.:Эксмо, 2009. -704 с.
6. Хоуитт., Что центральные банки узнали из современной макроэкономической теории?, Journal of Macroeconomics, 2012, 34(1), 11-22.
7. Saccioli, F., Marsili, M., Vivo, P. Эрозия стабильности рынка путем распространения финансовых инструментов, European Physical Journal B, 2009, 71(4), 467479
8. Filimenko, O.S. (2002), Finances of enterprises: Tutorial Nika-Center, Kyiv, Ukraine.
9. Khoma, I.B.(2008), Formation of a system-complex approach in assessing the level of economic security of an enterprise // Bulletin of the National University "Lvivska Polytechnika": "Management and entrepreneurship in Ukraine: stages of formation and development problems", vol.611, Lviv, Ukraine
10. Korobov, M.Ya.(2000), Financial and economic analysis of enterprises, Knowledge, Kyiv, Ukraine.
11. Rodionova, V.M. and Fedotov, M. A. (2009), Financial stability of the enterprise in the conditions of inflation Perspective, Moscow, Russia
12. Sologub, O. M. (2012), Ensuring economic stability of the enterprise: author's abstract. Economy and management of enterprises (by types of economic activity), Kiev, Ukraine
13. Yachmenova, V.M. (2012), "Economic stability: the essence and forms of expression Economics" Management Entrepreneurship. Vol. 2 24 (II) pp. 94-99.
14. [http://dinas-audit.com/services/financial\\_analysis\\_of\\_the\\_enterprise/analysis-of-financial-sustainability/](http://dinas-audit.com/services/financial_analysis_of_the_enterprise/analysis-of-financial-sustainability/)
15. <https://cbu.uz/oz/financial-stability/about/>
16. <https://cyberleninka.ru/article/n/the-current-state-of-the-theory-of-financial-stability?ysclid=15jdpusanc534888126>
17. <https://gbr.pepperdine.edu/2011/12/achieving-enterprise-stability-based-on-economic-capital/>
18. [https://otherreferats.allbest.ru/economy/00877410\\_0.html](https://otherreferats.allbest.ru/economy/00877410_0.html)
19. [https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2022/10/11/world-economic-outlook - october-2022](https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2022/10/11/world-economic-outlook-october-2022)